

Ҳаж ва умранинг мийқотлари



15:31 / 07.06.2024 2100

مَعْلُومَاتُ أَشْهُرِ الْحَجِّ: يَلَاغَتْ هَلْ لَاق

Аллоҳ таоло:

«**Ҳаж маълум ойлардир**», деган («Бақара» сураси, 197-оят).

Демак, ҳажни адо этиш учун маълум вақт, маълум ойлар эътиборга олинади.

Шаввол ва Зулқаъда ойлари тўлиқ, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн куни ҳаж ойлари ҳисобланади. Мана шу пайтда ҳажни ният қилиб, эҳромга кирса бўлади. Албатта, Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни Қурбон ҳайити куни бундан мустасно.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعُ نُبَالِاقِ
دَعَقُ لَوْدُو لَأَوْشَجَّحُ لَأُرْهَشَأُ
هَأَوْرِيَّ جَحُّ لَأِيذُ نَمْرُشَعَوُ
يِرَاخُ بَلَا

Ибн Умар розияллоху анху:

«Ҳаж ойлари Шаввол ва Зулқаъда ҳамда Зулҳижжанинг ўн кунидир», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Шаввол ойининг бошидан ҳажни ният қилса бўлади. Ният қилиб, эҳром боғлаб, тавоф ва саъй қилиб, сўнгра эҳромдан чиқиб юриш, ҳаж кунлари келганида яна эҳром боғлаб, ибодатни давом эттириш мумкин.

Макон мийқотлари

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ سَابَعِ نُبَالِاقِ
هُنَعُ هَلَلَا يَلَّصُّ يَبْنَلَا نَأُ هُنَعُ
لَهُ أَلَتَّقُ وَمَلَسَ وَهُيَلَعُ
لَهُ أَلَوُ ، فَ يَلُّحُ لَأَاذِ نِي دَمُ لَأَا

ذُجْنَ لِهَآلِو ، ءَفْخُجْلَ مَآشِلَا
نَمَّيْلَ لِهَآلِو ، لَزَانَمْلَا نُرَقِ
لُكَلِّو مَهَلُّنُه : لَاقَو ، مَلَمَلَي
، نَهْرِيغُ نَمَّ نَهْيَلَعِ يَتَأْتَا
نَمَو ، ءَرْمُغْلَاو جُحْلَا دَارَا نَمَمَو
تُيْحُ نَمَفَ كَلِّذَ نُوْدَ نَاكُ
ءَكَمُ نَمَ ءَكَمُلُهَآ يَّتَحُ ، أَشْنَا
ءَسْمَخْلَا هَاوَرُ

Ибн Аббос розияллоху анху:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қорнул-манозилни ва Яман аҳлига Яламламни мийқот қилдилар. Ўшалар у ерликларга ва ўша томондан келадиган улардан бошқа ҳаж ҳамда умрани ирода қилганларга мийқотдир. Ундан ичкарида бўлганлар қаердан жўнаса, ўша ердан эҳромга киради. Макка аҳли Маккадан», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Мийқот» сўзи арабча «таъқийт» сўзидан олинган бўлиб, луғатда «бирон нарсанинг вақтини тайин қилиш» маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз кенгроқ кўламда «макон» маъносида ҳам ишлатиладиган бўлди. Шаръий истилоҳда эса «мийқот» сўзи ҳаж ёки умра

қилмоқчи бўлган кишининг эҳром боғлайдиган жойи ва вақтини билдиради. Табиийки, умра учун вақт маъносидаги мийқот бўлмайди, умрани йил давомида адо этиш мумкин.

Демак, «миқот» деб эҳромга киришнинг тайинли вақти ва тайинли маконига айтилади. Ҳажнинг вақт бўйича миқоти – Шаввол ва Зулқаъда ойлари ҳамда Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунидир.

Макон миқоти эса турли мамлакатлардан келган ҳожилар учун, уларнинг Маккаи мукаррамага келиш йўлларига қараб турли жойлар бўлади. Масалан, макон миқоти – Маккаи мукарраманинг атрофидаги махсус белгиланган чегара, десак бўлади.

Ҳадисда айтилаётган Зул-Ҳулайфа Мадинаи мунавварадан Маккаи мукаррамага қараб юрганда биринчи келадиган манзилдир. У ер ҳозирда «Обори Али» деб ҳам номланади. У ерга махсус масжид, ғуслхоналар қурилган ва эҳром боғлаш учун лозим бўлган бошқа шароитлар яратилган.

Жухфа ҳақида машҳур олим Ёқут Ҳамавий «Мўъжамул Булдон» китобида қуйидагиларни ёзади:

«Жухфа Мадинадан Макка томон кетишда тўрт марҳала (манзил) узоқликда жойлашган катта қишлоқ бўлган. Миср ва Шом аҳли Мадина орқали юрмасалар, миқотлари Жухфа бўлади. Агар Мадина орқали юрсалар, миқотлари Зул-Ҳулайфа бўлади.

Унинг қадимги исми Маҳайъа эди. Баъзи йиллари сел келиб, унинг аҳлини хонавайрон қилганлиги учун Жухфа (вайрона) деб аталиб қолган».

Қорнул-манозил – Маккаи мукарраманинг шарқий тарафида, икки кунлик масофада жойлашган тоғнинг номи. У «Қорнус-саъолиб» деб ҳам аталади.

Яламлам – Маккадан икки кунлик масофада жойлашган Тихома тоғларидан бирининг номи.

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, юқорида зикри келган миқотлардан ташқарида яшайдиган мусулмонлар Маккаи мукаррамага ҳаж ёки умра нияти билан келмоқчи бўлсалар, ўша миқотлардан эҳромсиз ўтишлари мумкин эмас. Кимки ҳаж ёки умрани ният қилиб туриб, мазкур миқотлардан эҳромсиз ўтса, жиноят қилган ҳисобланади (ҳаж ва умра истилоҳида жиноят деб эҳром ман қилган амалларни содир қилишга айтилади).

Ким мазкур мийқотлардан ўтмасдан, бошқа томонлардан ўтадиган бўлса ҳам, мийқотларнинг тўғрисиغا келганда эҳром боғлаши шарт.

Мийқотлардан кейин келадиган манзилларда яшайдиган кишилар эса ўзларининг турар жойларидан эҳром боғлайдилар. Макка аҳли ҳажга ўз уйдан эҳром боғласа, умрага ҳарамнинг чегарасидан чиқиб туриб эҳром боғлайди.

هَلَلِ الْوُسْرَةَ قَوْ: لَأَقُ هُنَّ عَو
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ الْوُسْرَةَ
هَأَوْرَ: قِي قَعْلَ قِرْشَمُ لَأَلْهَالِ
يُذِمُّرَّتْ لَأَوَ دُوَادِ وَبَأُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам машриқ аҳлига Ақийқни мийқот қилдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдаги машриқдан мурод Ироқдир.

Ақийқ – Маккаи мукаррамага Ироқ тарафдан келаётганда икки кунликдан кўпроқ йўл қолган жойнинг номи. Демак, ўша тарафдан келадиган ҳожи ва умра қилувчилар Ақийқдан ўтишдан олдин эҳром боғлашлари керак бўлган.

يُذِمُّرَّتْ لَأَوَ دُوَادِ يَبَأُ وَ دَمُ حَالِ وَ
هَلَلِ الْوُسْرَةَ يَبْنَلِ تَقَو

قَارِعَ لَإِلَهِ أَلَمْ يَلَسَ وَهِيَ لَعَنَ قُرْعَاتٍ أَذ

Аҳмад, Абу Довуд ва Насайларнинг ривоятида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ироқ аҳлига Зоти ирқни мийқот қилдилар», дейилган.

Шарҳ: Зоти ирқ – Маккаи мукаррамага Ақийқдан кўра яқинроқ бўлган жойнинг номи. Баъзи уламолар «Эҳтиёт учун Ақийқдан эҳром боғлаган афзал», дейдилар.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعٍ نُبَا نَع
أَوْتَأَنَّ أَرْضُ مَلَا حَتْفٌ أَمَلٌ لَلِاق
رِيْمًا أَي: أَوْلَاقٍ رَمْعٍ
هَلَلَا لُوسَرٌّ نَا، نِي نَمُومُ لَلَا
دَحَّ مَلَسَ وَهِيَ لَعَنُ هَلَلَا يَلَص
نَعُ زُوجَ وَهَو، أَنْ رَقِي دَجَنَ لَهَال
قَشَ أَهَانَ دَرَأُ نَاو، أَنْ قِي رَط
نَمَ أَهَوْدَحَ أَوْرُظْنَا لَلِاق، أَنْ يَلَع

قَرَعَ تَأَذْمُهُ لِدَحْفِ مَكِّيَ رَطِّ يِرَاخُ بِلْهُ أَوْر.

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Икки шаҳар фатҳ қилинганида Умарнинг олдига келиб:

«Эй мўминларнинг амири! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Нажд аҳлига Қорнини чегара қилиб берган эдилар. У бизнинг йўлимиздан узоқда. Агар уни ирода қиладиган бўлсак, бизга машаққат бўлади», дейишди.

«Йўлингиздан у (мийқот)нинг тўғрисиغا назар солинглар», деди ва уларга Зоти ирқни чегара қилиб берди».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Ривоятда зикр қилинган икки шаҳардан мурод Куфа ва Басра шаҳарларидир. Бу икки шаҳар фатҳ қилиниб, уларда мусулмонлар истиқомат қиладиган бўлгунларича одамлар ҳадиси шарифларда номлари зикр қилинган жойлардан эҳром боғлаб, юрганлар. Куфа ва Басра шаҳарларидан ҳаж ва умра қиладиган бўлганларидан кейин эҳром боғлаш учун ҳадисда номи зикр қилинган маконларга бориш машаққат туғдирган. Бу вазиятни халифа ҳазрати Умар розияллоху анҳуга билдиришганида уларга Зоти ирқни мийқот қилиб олиш мумкинлигини айтганлар.

Бу ҳадисдан эҳром боғлаш учун албатта, номи зикр қилинган маконлардан ўтиш лозим эмаслиги, балки бошқа йўллардан ҳам ўтиш мумкинлиги маълум бўлмоқда. Фақат ҳадисда номлари зикр қилинган жойларнинг тўғрисиغا келганда ёхуд олдинроқ бўлса ҳам эҳром боғлаш лозим бўлади. Аммо мийқотлар ва уларнинг тўғрисидаги жойлардан эҳром боғламаган ҳолда ўтиб кетиш жиноят ҳисобланади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 10-жузи